

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

АГРОНОМИЯ ФАКУЛТЕТИ

**“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАР СЕЛЕКЦИЯСИ ВА
УРУҒЧИЛИГИ” ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ**

**«ГЕНЕТИКА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИ
СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ» КАФЕДРАСИ**

**АГРОНОМИЯ ФАКУЛТЕТИ “ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАР
СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ” ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ
3 –БОСҚИЧ 1-ГУРУҲ ТАЛАБАСИ
Тургунов Нуридиннинг**

**«ҒЎЗА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ»
ФАНИДАН**

КУРС ИШИ

Мавзу : Ғўзада чатиштириш тартиби ва вақти.

**Бажарди: “Қишлоқ хўжалик экинлар селекцияси ва
уруғчилиги” таълим йўналиши 3 –босқич 1-гурӯҳ талабаси
Турғунов Н.**

Қабул қилди: доц. С. Баҳромов

Андижон – 2016 йил

МУНДАРИЖА

1. Кириш.....	3
2.Адабиётлар шархи	7
3. Фермер хўжалигининг умумий тавсифи.....	13
4. Фермер хўжалигининг тупроқ ва иқлим шароити.....	13
5. Андижон 37 нави ва уни парваришlash агротехникаси.....	15
6. Хулосалар.....	20
7. Фойдаланилган адабиётлар.....	21

Кириш

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин Президентимиз томонидан ғўза селекцияси ва уруғчилигига алоҳида эътибор берилиб, мазкур соҳа мутахассислари олдида 110-120 кунда пишадиган эртапишар, тола чиқими 38-40 фоизли ва узунлиги 33-34 миллиметрли бўлган ҳамда толаси – IV-V турга мансуб, дунё бозори талабларига жавоб берадиган навларни яратиш, амалиётга жорий этиш вазифалари қўйилган. Кейинги йилларда ушбу қўйилган вазифаларни бажариш учун ғўза селекцияси ва уруғчилигида муҳим ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида меъёрий фармон ва қарорлар қабул қилиниши бу соҳани ҳуқуқий асосларини яратиб берди. Шунингдек селекция, уруғчилик, навларни янгилаш, тола сифати юқори бўлган янги, тезпишар навларни жорий этиш ва уларни мамлакатнинг турли тупроқ-иқлим шароитларда оқилона жойлаштириш соҳасидаги ишларни ҳар томонлама такомиллаштириш ва жадаллаштириш устувор давлат вазифаси эканлиги белгиланди.

Селекция соҳасидаги олиб борилган илмий-тадқиқот узоқ давом этадиган жараёнларни ўз ичига олади. Селекциячилар дастлаб жаҳон ва ватанимиз генофондида сақланаётган намуналар, давлат реестрига киритилган, истиқболли навлардан ҳамда янги тизимлардан фойдаланиб, селекция иш жараёнларини аналитик ва синтетик усулларга асосланган ҳолда янги навларни яратадилар.

Яратилган янги ғўза навларининг нафақат хўжалик белгилари (тезпишпарлиги, тола узунлиги, тола чиқими, саноат талабига жавоб бериши), лозим, балки турли касалликларга чидамлилиги, ноқулай шароитларга бардошли бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳамда мухтарам Президентимиз И.А. Каримов қишлоқ ҳўжалиги фани олдига қўйган вазифаларидан келиб чиқиб, ҳозирги даврда Фарғона водийси вилоятлари тупроқ-иқлим шароитларига мос юқори ҳосилли, эртапишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, шўрланишга, курғоқчиликка, тола сифати жаҳон андозаларига жавоб берадиган ғўза навларини яратиш шу куннинг долзарб масаласи бўлиб ҳисобланади. Янги навларни яратиш жараёни махсус селекцион усуллар (чатиштириш, танлаш, танлаб олинган ўсимлик авлодларини баҳолаш, синаш) ва селекцион материални экиш, парвариш қилиш, кузатиш ҳосилни йиғиб олиш каби тадбирлар тегишли услубда ўтказилади.

Селекция жараёни нав (дурагай) яратиш билан якунланади. Навлар (дурагайлар) ишлаб чиқариш учун яратилади. Шунинг учун селекцион муассасаларида синаш, дала тажрибалари ўтказганда, уларга ҳар томонлама туғри ва аниқ баҳо бериш керак.

Селекцияда ўрганилаётган бир неча навлар орасидан энг яхшиларини танлаб олиш, синаш ва баҳолаш каби ишлар дала шароитида ўтказилади.

Нав ёки селекцион материални синаш ва баҳолашда ишончли маълумотлар олиш учун селекция жараёнининг ҳамма босқичларида тажриба аниқлиги ва типиклигига катта эътибор берилади.

Синаш учун олинган бирор навни даланинг ҳар жойига (2-3-4 жойга) экиб улардан олинган ҳосилнинг бир-бирига мувофиқ келиши тажриба аниқлиги деб аталади.

Тажриба аниқлиги даланинг ҳамма жойида мутлақо бир хил шароит яратиш имкони йўқлигидан келиб чиқадиган хатолар билан белгиланади.

Дала тажрибаларида селекцион материални ўрганиш ва баҳолаш жараёнида тажрибанинг аниқлигига катта эътибор берилади. Тажрибада ўтказилаётган шароит янги яратилаётган нав келажакда тарқалиши лозим бўлган ишлаб чиқариш шароитига мос бўлиши керак.

Бунда тупроқ-иқлим шароити, тупроқ зонаси ер ости сувларининг чуқурлиги, теварак атрофдаги дарахтзорлар таъсири, сув Ҳавзаларининг узоқ-яқинлиги Ҳисобга олиниши керак.

Дала тажрибаларига хос яна бир шарт – илғор технологияни куллашдир. Янги навларни улар районлаштирилган вилоятларнинг хўжаликлари далаларида қулланадиган илғор технология асосида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун нав яратилаётган муассасадаги барча агротехника (технологик) жараёнлар: алмашлаб экиш, ўғитлаш, экинни парвариш қилиш, ишларни механизациялаштириш даражаси ишлаб чиқаришдагидек бўлиши керак.

Навлар ва селекцион материаллар бир хил технология шароитида баҳоланади. Ҳар хил навларнинг бир хил технология шароитида ўзаро фарқ қилишини билиш лозим. Чунки, нав синашда битта омил – нав ўрганилади.

Селекцион материалларни ўрганиш ва синашда олинадиган маълумотларнинг тўғрилиги кўп жиҳатдан экиш, ўрганиш ҳамда баҳолаш учун жой (дала) танлашга боғлиқ.

Экинларни ўстириш ва нав синаш учун мулжалланган жойнинг рельефи – текис, тупроқ қатламининг ишланиши одатдагидек, даланинг барча қисмларида ишлов бериш, ўғитлаш, суғориш бир хил бўлиши керак.

Даланинг бирор қисмида кўмилган чуқурлик, ариқ-зовурлар, шунингдек бор бўлган экин, йўл, бинолар ёки ўғит ва гўнг тўкилган жойлар, бегона ўтлар ҳамда дарахтлар, сув Ҳавзаларидан, жарликлар,

катта йўллардан узоқлиги кабилар ҳам ҳисобга олинади.

Селекцион номерларни баҳолаш ва навларни синаш учун ажратилган даланинг аввало тупроқ унумдорлиги жиҳатдан бир хил ёки бир хил (биртекис) эмаслиги аниқланади.

Бунинг учун биринчи йили далага текширувчи (рекогносцировка) экинлар экилади. Бундай экинлар қаторига одатда ёппасига қаторлаб экиладиган арпа, жавдар, сули, баҳори бугдой, рапс, горчица кабилар киради.

Бу экинлар ўсиш ва ривожланиш даражасига қараб, ҳосил йиғишдан олдин бир хил кичик-кичик майдончаларга ажратилади ва ҳар бир майдон ҳосили алоҳида аниқланади. Кейин бир-бирига туташган ҳамда ҳосили тенг бўлган майдончалар бирлаштирилади ва улар боғланган майдонлар деб аталади. Ҳосилдорлиги бўйича кескин фарқланувчи майдонларнинг атрофи аниқ белгиланади. Таҷриба учун ажратилган даланинг тупроқ унумдорлиги ҳар хил бўлса, у бир неча боғланган майдончаларга тақсимланади.

Ўрганилаётган навлар ёки селекцион материалларнинг ҳаммаси битта боғланган майдонча ичига жойлашиши лозим. Акс ҳолда таҷриба нотўғри ўтказилган бўлади ва хатоларга йўл қўйилади.

1. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

Селекция йўли билан янги-янги навлар яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш пахтачиликни ривожлантиришни асосий омили ҳисобланади. Пахтачилик фани тарихига назар ташласак, ғўза селекцияси бўйича тадқиқотлар алоҳида ўрин тутганини қуйидаги адабиётларни таҳлил қилиш билан кўрамиз.

Пахта толасини узунлиги қимматли белгилардан бўлиб ҳисобланади. Бу соҳада В.И.Кокуев (1948) дурагай авлодларининг 1-бўғинида тола узунлиги ота-она шакларига нисбатан оралик ўринни эгаллайди деган фикрни олдинга сурган. Баъзи олимлар: М.М.Мирхўжаев (1959), Б.П.Страумал (1968) ота-она шакллари чатиштиришда 1-бўғин дурагайлари ушбу белги бўйича ота-она шаклларига нисбатан устунроқ бўлишини кузатганлар. Г.К.Кулебаев (1958), В.К.Лисиков (1955), А.З.Зайнишев (1965), А.Қосимов (1993) бошқалар чатиштириш учун олинган шакллардан она шакли муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайдилар.

Пахта толасини юқори, сифатли бўлишида ғўзанинг эртапишарлиги муҳим омилдир. Ана шу масалани Р.Г.Ким (2002) ўз тажрибаларида чуқур таҳлил қилган.

Ќўза уруғчилиги юқори ҳосил олишда муҳим аҳамитга эга бўлиб, бундай масала бўйича бир қатор олимлар уруғни саралаш ва сифатли тола етиштириш бўйича ўз тадқиқотларида бир неча тавсиялар берганлар (Б.С.Мусаев, Ф.Жамолова 1998, Х.Эгамов, Т.Комилов, М.Дадажонов 2008).

К.С.Канаш (1948), турлараро ва тур ичида чатиштириш натижасида олинган дурагайларнинг биринчи бўғинида тола узунлиги

оралиқ ўринда бўлиб, кўпроқ узун толали ота-она томонга ўзгаради.

Узун толали навлар чатиштирилганда бу белгига нисбатан гетерозис кузатилади, яъни уларнинг толаси ота-оналариникидан ҳам узун бўлиши мумкин. Иккинчи бўғиндаги дурагайларда толанинг узунлиги ота-она шаклига нисбатан оралиқ ўринни эгаллайди. Одатда ўртача кўрсаткичларга қараганда иккинчи бўғин дурагайларини толаси биринчи бўғин дурагайлариникига нисбатан калтароқ бўлади.

Иккинчи ва ундан кейинги бўғинларда ота-она шаклларига нисбатан толаси бир мунча узун ўсимликлар ажралиб чиқиши мумкин, яъни

трансгрессив ажралиш рўй беради деб ҳулоса қилган.

Кўпчилик олимлар ғўза селекцияси бўйича тадқиқот ўтказиб қуйидагича ҳулосага келдилар. (Н.Г.Симонгулян, С.Р.Мухаммадхонов, А.Н.Шафрин (1974).

1. Биринчи авлод дурагайларида бир дона кўсак вазни оралиқ холда ирсийланиб баъзи комбинацияларда гетерозис ҳолати кузатилади.

2. Иккинчи авлод дурагайларида бир дона кўсак вазни бўйича ажралиш жараёни кузатилади ва ота-она намуналаридан кескин фарқ қилувчи генотиплар ажралади.

3. Кўсак вазнининг ирсийланиши бўйича юқорида келтирилган натижалар белгининг полигенлигини кўрсатади.

4. Йирик кўсакли навларни яратиш учун якка танловни иккинчи авлод ўсимликларидан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

А.Қосимов, М.Дадажонов, Р.Исмадияров (1994) ларнинг кузатишларига қараганда, ғўза навларини ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича алохида ҳисобга олиш зарурати, навлар ўртасида мавжуд

фарқларга асосланади. Шунингдек, пахта ҳосилдорлиги кўплаб омиллар таъсири остида шакилланувчи натижавий кўрсаткич бўлиб, пахтачилик тармоғини иқтисодий самарадорлик даражасини белгиловчи асосий шарт ҳисобланади.

В.И.Кокуев (1948) ғўза тизмаларининг қимматли хўжалик белгилари бўйича ўзгарувчанлик даражасини ўрганиб, битта кўсакдаги пахта вазни ва бир туп ўсимлик ҳосили бўйича ўзгариш диапазони катта бўлади деган хулосага келган.

Х.Эгамов, Т.Комиловлар (1998) энг яхши кўрсаткич берган тизма ва янги навларнинг уруғини жадал усулда кўпайтириш тўғрисида ўтказган тажрибаси бўйича ноёб навларни уруғини бир йилда бир неча баробар кўпайтириш мумкин эканлиги бўйича хулоса қилдилар.

Р.Назаров, Ж.Ахмедов, Ш.Қўзибоев ва бошқалар (2003) ни таъкидлашича янги навларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳисобига ҳосилдорликни 10-20 фоизга ошириш мумкин.

И. Эрназаров (2006) ғўза навлари устида олиб борган тажриба натижалари асосида шундай хулоса қилган. Навлар танлашда деҳқончиликнинг минтақавийлигига алоҳида эътибор бериш зарур. Масалан, Шахрисабз шароитида экиш натижа берган нав Муборақда кутилган ҳосилни бермаслиги мумкин. Шу сабабли нав танлашда шаблон усулини қўллаш нотўғридир.

А.Абдуллаев (1989) таъкидлашича, яратилаётган навлар келиб чиқиши, асосий хўжалик белгилари ва биологик кўрсаткичларининг ижобийлиги билан диққатга сазовордир. Бундай навларни яратишда нафақат Республикамиз олимлари, балки чет эл олимларини эътироф этишларича, ғўза генофондида мавжуд бўлган ёввойи, рудераль ва

ғўзанинг турларини келиб чиқиш марказларидан келтирилган ҳамда маҳаллий нав намуналаридан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Ғўза уруғчилиги юқори ҳосил олишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир қатор олимлар уруғни саралаш ва сифатли тола етиштириш бўйича ўз тадқиқотларида бир неча тавсиялар берганлар. Жумладан: Э.У.Хасанов, Ж.Х.Ахмедов (1986), Б.С.Мусаев, Ф.Жамолова (1998), Шунингдек, бу тадқиқотчилар селекция ташкилотлари, нав синаш, уруғни даслабки кўпайтириш, элита-уруғчилик хўжаликлари услублари туғрисида батафсил маълумот берганлар.

Ж.Ахмедов, А.Нариманов, Ю.Ф.Узаковлар (1998) элита уруғчилик хўжаликларини ишларини ўрганишар экан, 50 фоизга яқин уруғлик хомашёси ола чиқиш ва чанқаш ҳисобига чиқитга чиқарилаётганини ва унинг чорасини кўриш зарурлигини таклиф қилишган.

Амантурдиев А., Ким Р., Мирахмедов М.лар олиб борган тажриба натижаларидан шундай хулосага келишган, ғўза ҳосилдорлиги кўсак сони ва йириклиги қимматли хўжалик белгиларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ирсийланади. Қайсики, ўз навбатида пахтачиликда юқори ҳосилдорликка эга бўлган навларни яратиш мумкинлиги имконияти борлигини кўрсатади ва ғўзанинг ҳосилдорлиги юқори бўлган навларни яратилиши, ҳозирги кунда пахтачиликда юқори ҳосил олиш учун энг асосий йўналиш ҳисобланади.

С.Саакова, Н.Хўжамберганов, Ш.Намозов (2002) ларнинг кузатишича, кўпгина мамлакатлар тажрибасидан маълумки, бир гектар майдондан олинадиган умумий тола ҳосили, навнинг қимматини белгилашда асосий мезон ҳисобланади. Шунинг учун, синовда бир гектардан олинадиган тола миқдори катта эътибор бериш кераклиги

тўғрисида ёзадилар.

Х.Мунасов, Ў.Муратов, О.Қўчқаров, С.С.Алихўжаева (2002) лар ғўзанинг хўжалик учун қимматли белгиларидан бўлган эртапишарлик ва ҳосилдорликнинг авлодларда ирсийланишини ўрганиб, қуйидаги хулосаларга келишган: эртапишарлик белгиси ирсий белги бўлиб, у авлоддан-авлодга берилади, шу билан бирга ташқи муҳит ҳамда агротехник чора тадбирларга бевосита узвий боғлиқ, ҳосилдорлик эса асосан кўпроқ агротехникага ҳамда ўрганилаётган тизмаларнинг ирсиятига боғлиқ деб ҳисоблайди.

Р.Г.Ким (2002) нинг кузатишига кўра, ғўза навларини ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича алоҳида ҳисобга олиш зарурияти, навлар ўртасидаги мавжуд фарқларга асосланади. Шунингдек, пахта ҳосилдорлиги кўплаб омиллар таъсири остида шаклланувчи натижавий кўрсаткич бўлиб, пахтачилик тармоғи иқтисодий самарадорлик даражасини белгиловчи асосий шарт ҳисобланади.

А.Қосимов (2006) ғўзанинг дурагайларида эртапишарлик билан махсулдорлик белгилари орасидаги корреляцион боғланишни ўрганган.

Тажриба натижаларига кўра эртапишар ва кечпишар навлар иштирок этган дурагайларда вегетация даврини маълум бир даражада ҳосилдорлик билан боғланиши борлигини кузатган.

3.3.Рахмонов (2008) ғўза ўсимлигидан амалий селекция учун бошланғич материал тайёрлашда чатиштиришнинг конвергент усулидан фойдаланган.

Муаллиф, ғўзанинг турли қимматли хўжалик белгиларини яхшилашда, конвергент чатиштириш услуби мавжуд услублардан

устунлиги билан ажралиб туришлигини, тадқиқотларни жадаллаштириш, келгусида районлашган ғўза навлари белгиларини талаб даражасида ушлаб туриш имкониятини яратади, деб таъкидлайди.

А.Қосимов (1993) нинг олиб борган тажрибаларига кўра, тола узунлиги ҳар бир навни хусусияти ва унинг ирсий белгилари авлоддан-авлодга ўтиши ҳамда тажриба вақтида у ерда олиб борилаётган агротехникага ҳам боғлиқлиги катта аҳамиятга эга эканлигини маълум қилади ва ғўза навларининг тезпишарлиги улардаги морфологик ва асосий хўжалик белгилари билан узвий боғлиқлиги тўғрисида хулосага келган.

М.Мирхўжаев (1959) нинг фикрига кўра, ҳар бир навнинг потенциал имкониятини тўлиқ намоён бўлишида, унга қўлланиладиган агротадбирлар мажмуи катта таъсир кўрсатади.

А.А.Кан, Ч.Н.Ким (1988) лар ғўзанинг сўрувчи ва кемирувчи зараркунандаларининг биологияси ва уларга қарши кураш чоралари бўйича илмий иш қилган олимларнинг хулосаларини умумлаштирганлар:

Н.Вилкова, И.Шапиро (1987) ўсимликларни касаллик ва зараркунандаларга чидамли бўлишида ўсимлик иммунитети катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида ёзадилар.

Ф.Толипов, Л.Швецова (1982) лар ўргимчакканага чидамли ғўза навларининг барглари тукли бўлганда чидамли бўлишини аниқлаганлар. Яна улар ўз тажрибаларида чидамли навларни барг таркибида РНК ни 1,25 марта кўп бўлишини аниқлаганлар.

Шунингдек Исроилов М. ва бошқалар (2013), Эгамбердиев Р. (2013), Халмонов Б. Ва бошқалар (2012) ва Турсунов С. ва бошқалар

(2012)нинг илмий мақолаларида ҳам “Танлаб нав синаш” кўчатзоридаги натижалар асосида яратилган янги навлар ҳақида маълумотлар бор.

Адабиётлар билан танишиб таҳлил қилар эканмиз табиатнинг ноқулай шароитларига чидамли янги биз ўрганаётган тизмалар тўғрисида умуман маълумотлар учрамаслигига амин бўлдик.

2. Фермер хўжалигининг умумий тавсифи

Дала тажрибаси Андижон вилояти, Пахтаобод тумани “Алохон Янгибоев” фермер хўжалиги 2006 йил ташкил этилган. Унга жами 50-гектар ҳайдаладиган ер майдони бириктирилган. Шундан 30 гектарига пахта, 20 гектарига буғдой дони экиб етиштирилади. Фермернинг 2 дона ҳайдов трактори, 2 дона чопиқ трактор мавжуд. Ёўзага ишлов бериш тарақиётида “Ахмедов Тожимирза” М.М.Т.П си хизматлардан фойдаланади.

3. Фермер хўжалигининг тупроқ ва иқлим шароитлари.

Фермер хўжалигининг тупроқлари ўрта қумоқ механик таркиби оч тусли бўз. Қадимдан суғорилади, шўрланмаган сизот сувлари 4-5 м чуқурликда жойлашган.

Хўжаликда асосан ёўза, буғдой экинларига ихтисослашган.

Ҳайдов қатламидаги чиринди миқдори 1 % атрофида.

Хўжаликда ёўза алмашлаб экиннинг 3;7, 1;1 тартиблари қўлланилади. Сув билан яхши таъминланган. Катта Фарғона каналидан сув олиб суғорилади.

Далаларни асосан кам йиллик бегона ўлар босади. Кўп йиллик бегона ўтлар жами бегона ўларнинг 15-18% ни ташкил этади.

Умуман тажриба хўжалиги тупроқари ғўза ва унинг издош экинларидан юқори ҳосил олиш учун қулай.

Хўжаликнинг иқлими кескин беқарор ёзи иссиқ, қиши совуқ, январ ойидаги энг паст ҳарорат 29°C , июл ойидаги энг юқори ҳарорат 42°C ни ташкил этади.

Ҳавонинг ўртача йиллик ҳарорати $13,5^{\circ}\text{C}$ йил давомида ўртача 219 мм ёғин ёғади. Хўжалик иқлимида ҳаво ҳароратининг ўртача $+10^{\circ}\text{C}$ ортиши 24 мартдан бошланади, кузда $+10^{\circ}\text{C}$ дан пасайиши 27 октябргача тўғри келади.

Ќўза учун фойдали ҳарорат йиғиндиси 1 апрелдан 20 октябрга қадар 2286°C шундан 1 майгача 165,1, июнгача 511, 1 июлгача 966, 1 августгач 1493, 1 сентябргача 1947, 1 октябргача -2214°C бўлиб йиғилади.

4. Фермер хўжалигининг ўсимликчилик бўйича 2 йиллик маълумотлари.

Ўсимликчилик бўйича шартномавий режаларини бажарилиши қуйидаги жадвалда берилган.

Ўсимликчилик бўйича шартномавий режаларини бажарилиши қуйидаги жадвалда берилган.

Экинлар ҳосилдорлиги

Экинлар	2014 йил		2015 йил	
	майдони,га	ҳосилдорлик, ц/га	майдони,га	ҳосилдорлик, ц/га
Пахта	30	35,0	30	35,0
Бўғдой	20	23,0	20	23,0

Фермер хўжалигининг 2014-2015 йиллардаги пахта етиштириш бўйича шартномавий режаси гектар ҳисобига 35 ц бўлиб, 2014 йилда

100% га, 2015 йилда 105% га бажарилган. Бу фермер хўжалигидаги деҳқонлар ғўза агротехикасини пахта ҳосилдорлигини яхшилаш учун, деҳқончиликни назорат асосларига таянган ҳолда олиб борилади.

Ўсимликни ҳароратига талабини ҳисобга олиб ғўза чигити тупроқ ҳарорати + 10⁰С дан муқаррар олинганда экилади.

5. Андижон 37 нави ва уни парваришlash агротехикаси

«Андижон-37» навининг тупи цилиндрсимон шаклда, бўйи 110-120 см. Пояси мустаҳкам, ётиб қолмайди, кучсиз тукланган. Шохланиш тури 1,5-2.0 турга мансуб, биринчи ҳосил шохи 5-6 бўғиндан чиқади, ўрта пишар навлар сирасига киради, амал даври 120-125 кун.

Барглари ўртача катталиқда 3-5 бўлмали, қирқилгансимон, ўртача тукланган.

Гули ўртача катталиқда, гултож барглари оч сариқ рангда чангчалари сариқ.

Кўсаклари ўртача катталиқда, овалсимон шаклда, 4-5 чаноқли тумшукчали. Бир кўсакдаги пахта вазни 5.3-5.8 грамм. Чигити тукли, кулранг, 1000 дона чигит вазни 110-115 грамм.

Навнинг тола хусусиятлари: оқ рангли, узунлиги 33.0-34.0 миллиметр, тола чиқиши 37-38 фоиз, пишиқлиги 4.8 грамм. куч, нисбий узилиш узунлиги 27.6 гк. текс, метрик рақами 5830, мик-ронеири 4.6-4.7, V – саноат типига мансуб.

Ќўзанинг янги «Андижон-37» навини тупроғи унумдор майдонларга жойлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Уни муайян тупроқ шароитига, ернинг нишаблигига, рельефига монанд ҳолда 60 ва 90 сантиметрли қатор ораларига экиш мумкин, чигитни қўш

каторлаб экишга,плёнка усулини қўллаб экишга мос.

Ҳар бир уяда бир донадан ўсимлик қолдириладиган экиш тартибини қўллаш ёўзани ўсиши, ривожланиши ҳамда пахта ҳосилдорлигига ижобий таъсир этади.

Мақбул чигит экиш муддати оддий,очиқ усулда 1-20 апрел,плёнка усулида 20-30 март. Бу муддат йил шароитига қараб 3-4 кун олдин ёки кечроқ бўлиши мумкин, чигит экиш чуқурлиги,бир уяга ташланадиган уруғ сони бошқа навларникидан фарқ қилмайди.

Чигит экиш олдидан яхоб суви берилган майдонларда бу нав чигити тез кунда,қийғос униб чиқади,соғлом,дуркун ўсиб ривожлана бошлайди.

Уруғ униб чиқиши учун тупроқ намлиги етарли бўлмаган далаларда чигит сув бериб уруғларни тўла униб чиқиши таъминланади.

Чигити текис униб чиққан майдонларда ўсимлик ўртача 1,5 дона чинбарг чиқарганда яганалаш ўтказилади.

Мазкур нав учун муайян даланинг тупроқ шароитига қараб кўчат қалинлиги қолдирилади. Хусусан, тупроқ унумдорлиги юқори майдонларда гектар ҳисобига 80-90 минг туп, ўртача унумдор тупроқли далаларда 100-110 минг туп, тупроқ унумдорлиги паст, тошлоқ, адирли далалар шароитида 120-130 минг туп, кўчат қалинлиги тавсия этилади.

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА АНДИЖОН 35 НАВИНИ
ПАРВАРИШЛАШ АГРОТЕХНИКАСИ.**

№	Тадбирлар	Муддати, сони			
		1	2	3	4
1.	Кузги ўғитлаш	5.12.14			
2.	Кузги хайдов	10.12.14			
3.	Ерни экишга тайёрлаш	18-20.04.15			
4.	Чигит экиш	20.04.15			
5.	Чигит суви	6.05	13.05		
6.	Амал даврида суғориш	10.06	20.07	12.08	31.08
7.	қатор ораларини ишлаш	12.05	20.05	17.06	29.07
8.	Яганалаш	20.05			
9.	Чопиқ ва ўтоқлар	13.05	19.06	5.8	
10.	Озиқлантириш	8.06	16.07	30.07	
11.	Чилпиш	10.08			
12.	Хашоратларга қарши кураш	14.05	20.06	8.08	
13.	Дефолиация	10.09			
14.	Теримлар	27.09	16.10	29.10	

Хозирги замон селекциясида дурагайлаш янги навлар, гетерозисли дурагайлар яратишда асосий усул бўлиб Ҳисобланади.

Дурагайлаш икки хил бўлади – табиий дурагайлаш ва сунъий дурагайлаш.

Табиий дурагайлаш табиатда кенг тарқалган. Табиатда ёнма-ён ўсиб турган ўсимликлар бир-бири билан эркин чангланиб, улар ўртасида табиий дурагайлар ҳосил бўлиб туради. Бундай чангланиш (дурагайлаш) бир турга мансуб бўлган ўсимликларда ва Ҳар хил тур ва туркумларга мансуб бўлган

Ўсимликлар ўртасида юз бериб туради. Масалан, канд лавлаги билан Ҳашаки лавлаги, бахори юмшоқ буғдой навлари билан бахори қаттиқ буғдой навлари, буғдой билан жавдар, буғдойиқ билан эгилопс, жухори билан судан ўти, судан ўти билан ғумай ўртасида чангланиш рўй бериб дурагай ўсимликлар (хил, турлари) Ҳосил бўлиши мумкин.

Сунъий дурагайлаш киши томонидан мақсадга мувофиқ чатиштириш йўли билан амалга оширилади. Дурагайлаш натижасида янги хусусиятли, белгили янги шакллар пайдо бўлиб, селекция учун янги бошланғич материал яратилади.

Янги белгили ва хусусиятли ўсимликларни шаклланишнинг асосида-дурагайлаш ўтказганда, генларнинг жой алмашиши (қайта жуфтланиши) ва трансгрессия рўй беради.

Ота-она организмлари ўз наслига (дурагайларига) белгиларни эмас, балки наслда ривожланадиган белги ва хусусиятларни назорат қиладиган генларни, шу генлар асосида дурагайда белги ва хусусиятлари шаклланиб ривожланади. Масалан, буғдойнинг иккита қилтиқсиз шаклини чатиштирганда дурагайнинг иккинчи бўғинида $1/4$ қисми қилтиқли ўсимликлар пайдо бўлиши мумкин. Ота-она ўсимликларда қилтиқлик белгилари бўлмаган, лекин уларда шу белгини вужудга келтирадиган рецессив генлари бўлган, натижада дурагай ўсимликлар наслида рецессив гомозиготалар қилтиқларни пайдо бўлишига сабабчи бўлганлар.

Ўрта узунликдаги бошоқли иккита буғдой ёки арпа навларини чатиштирганда, дурагай наслида узун ёки калта бошоқли ўсимликлар Ҳосил бўлиши мумкин. Бу янги шакли ўсимлилар пайдо бўлишининг сабабчиси-трансгрессиядир.

Трансгрессия-аниқ белгини Ҳосил бўлишини таъминлайдиган полимер генларнинг жамланган (қўшилган) Ҳолда таъсири, трнсгрессия натижасида

дурагайда бир бирини тўлдирадиган генотиплар бирлашади.

Агар ота-она формаларнинг иккаласида ёки бирида бир вақтда ҳам доминант ҳам рецессив аллел бўлиб, улар қандайдир сон белгисининг яққол намоёниш этиш хусусиятига эга бўлмасалар тегишли ота-она жуфтларини танлаб дурагайлаш ўтказиш натижасида қимматли белги ва хусусиятли (юқори ҳосилдорлик, баланд бўйли, вегетация даврининг давомийлиги ва бошқа) трансгрессиялар ҳосил бўлиши мумкин.

Масалан, Свалёф селекция станциясида Нильсон Элле трансгрессия ходисаси натижасида буғдойнинг бошланғич ота-она формаларига нисбатан касалликларга ўта чидамли ва чидамсиз дурагайларини ҳосил қилган.

Дурагайлашда мураккаб шаклланиш жараёнининг ўтиши туфайли янги сифатларга эга бўлган шакллар (ўсимликлар) пайдо бўлиш имконияти туғилади.

Масалан, иккита баҳори арпа навини чапиштирганда иккинчи бўғин дурагайлари орасида кузги шакллар бўлишини кузатиш мумкин.
(Н.И.Вавилов)

Дурагайлаш ўсимликларда шакл пайдо бўлиш жараёнини мақсадга мувофиқ йўналтиришнинг энг муҳим ва асосий йўлидир. Дурагай популяцияларнинг ичидан танлаш йўли билан қишлоқ хўжалик экинларининг янги навлари яратилади. Дурагайлаш натижасида мураккаб шаклланиш жараёни ўтиб нафақат дастлаб ота-она белгиларнинг қўшилиши (йиғилиши) балки мутлақ янги сифатлар (белги ва хусусиятлар) ривожланиши мумкин.

Шунинг учун дурагайлаш йўналтирилган шаклланишнинг муҳим усули бўлиб, дурагай популяцияларидан (бошланғич материалдан) керакли қимматли навлар яратиш мумкин.

6. Хулосалар

1. Ғўза селекцияси ва уруғчилиги фанининг мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти ниҳоятда катта. Зеро ғўза навларини алмаштириш йўли билан ҳар бир гектар ҳисобидан, ҳеч қандай қўшимча харажатсиз 3-4 ц/га қўшимча ҳосил олиш мумкин.

2. Биз курс иши учун танлаган Дала тажрибаси Андижон вилояти, Пахтабод тумани “Алохон Янгибоев” фермер хўжалиги тупроқ ва иқлим шароитлари ғўза ўсимлигидан юқори ҳосил етиштириш учун қулай ҳисобланади.

3. Фермер хўжалигида экилган Андижон 35 навидан ҳар йили 38-40 центнердан юқори ва сифатли пахта ҳосили олинмоқда.

4. Мен курс ишини бажариш мобайнида “Ғўза селекцияси ва уруғчилиги” фанидан олган назарий билимларимни амалий ишларда мустаҳкамладим.

7. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Каримов И.А. «Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шаро-итида уни бартараф қилиш йўллари ва чоралари» Тошкент, 2009 й 1-56 б.
2. Каримов.И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида». Ўзбекистон, Тошкент, 1998 й.
3. Абдуллаев А.- «Ўза биологияси, селекцияси ва уруғчилиги». Китоб: Тошкент, 1989 й., 57-61 б.
4. Амантурдиев А., Ким Р., Мирахмедов М. Селекция хлопчатника в Узбекистане: достижения и перспективы // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -Тошкент, 2008. -№1. Б. 6-7.
5. Вилкова Н.А., Шапиро И.Д. «Основы иммунологической защиты растений от вредителей». Защита растений, 1987, № 6
6. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. -Тошкент М.Ч.Ж.АЛБТ, 2007. Б.142
7. Доспехов Б.А. “Методика полевого опыта” М. “Колос”1985. –С. 317.
8. Зайцев Г.С. «Ўза» к.д. 1929 г.
9. Кан А,А, Ким Ч.Н. “Интегрированная защита хлопчатника от вредителей.” Книга: Ташкент, 1988 г, 1-80 стр.
10. Канаш С.С. «Селекция хлопчатника». Ташкент, ГОС.Изд. УзССР, 1948г.
11. Ким Р.Г. «Скороспелость хлопчатника ее взаимосвяз с морфохозяйственными признаками». Тезисы докладов. международной научно- практической конференции. Ташкент, 2002 г.

12. Ким Чан Ним. «Устойчивость новых сортов хлопчатника к сосущим вредителям». Труды СоюзНИХИ, 1983, с. 28-31
13. Коваленков В.Т. “Агробιοлогические и организационные основы интегрированной системы защиты хлопчатника от вредителей”. Душанбе, 1984, с.13
14. Кокуев В.И. “Селекция скороспелых сортов хлопчатника” В.сб. «Селекция хлопчатника». Ташкент, Изд.Гис.7, 1948 г.
15. Қосимов А., Дадажонов М. Исмадияров Р. Дурагай популяцияларни турли сув меъёрларида ҳосилдорлиги. 1994, 81-бет.
16. Қосимов А.” Янги нав ва ҳосилдорлик”. Қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишдаги агротехнологик муаммолар, ҳамда уларнинг ечимлари. (Республика илмий амалий анжуманининг мақолалар тўплами). «Андижон нашриёт - матбаа» очик акциядорлик жамияти, 2006, 12-15 б.
17. Кратиров О.В. и др. “Инструкция по производству семян элиты и первой репродукция районированных сортов хлопчатника”. Москва, Колос, 1981, с.1-64